

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ  
ИЖТИМОЙ-МАЪНАВИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ

---

**ХУРШИД СЕРОБОВ**

# **УСМОН НОСИР**



ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2022

УЎК: 821.512.33.09-1  
КБК: 83.3г(5Ў)  
С 46

**М а с ъ у л м у ҳ а р р и р:**

*Олимжон Давлатов – Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар  
институтини директори*


**Т а к р и з ч и л а р:**

*Шахло Аҳророва, Собиржон Ёқубов*

Рисолада қатагон йилларида даҳшатли азобларни бошидан кечирган оташин шоир, таржимон ва драматург Усмон Носир ҳаёти ва серкирра ижодий мероси ҳақида ҳикоя қилинади. Ўқувчи, талаба ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган рисола сизга манзур бўлиши шубҳасиз.

ISBN 978-9943-04-454-8

© «Маънавият», 2022



*Севинчим кўп... шодлигим зўр... тилим  
бийрон,  
Қайси умр шундай ёшлик кўрди, ахир?*  
(Усмон Носир)

Чекка қишлоқлардан бирида яшайдиган, бешинчи синф ўқувчиси Музаффар футбол ўйини пайтида ўзидан икки синф юқорида ўқийдиган бола билан ёқалашиб қолади. «Сен ғирром ўйнайсан», дейди Музаффар ўзидан катта болага тап тортмай. Катта бола Музаффарнинг бетига бир тарсаки туширади. Катта танаффусда рўй берган бу кичик тўқнашувда Музаффарнинг чап кўзи озгина кўкариб қолади. Дарс бошланиши керак, болалар «зув» этиб синфга қараб чопишади. Кейинги дарс тарих дарси эди. Муаллим дарсга кириб келиши билан биринчи партада ўтирган Музаффарнинг кўкарган кўзини кўрадию, савол назари билан унга қарайди. Табиийки, у нима деб жавоб беришни билмай каловланиб қолади. Шунда шериклари жонига оро киришади.


«Музаффар, катта синфларга тўғри гапни айтгани учун калтак еди», деб чувиллашади синфдошлари.

«Тўғри гап туққанингга ёқмас», деб шуни айтишадиди-да, хўш, сен қандай тўғри гапни айтдинг, Музаффар?», деб сўрайди муаллим.

«У ғирром ўйнаётганди», дейди кўрка-писа Музаффар.

«Бугун дарсимиз қатағон қурбонлари хақида эди. Ватан хуррияти йўлида қурбон бўлган аждодлари-

миздан бири билан сизларни яқиндан таништирмоқчи эдим. Улар юрт озодлиги учун қатағон қилинди. Сизлар бўлса, битта коптокнинг изидан бир-бирингизни қатағон қилиб юрибсиз. Уят!», деди муаллим ҳар бир гапини салмоқлаб гапираркан. Болалар бошини эгиб, жим бўлиб қолишди. Муаллим бугунги ўтилажак дарсга туйнук топилганидан мамнун бўлди. Музаффарнинг кўкарган кўзига ачиндию, унга енгил танбех бериб, жойига ўтиришини айтди. Болалар қулоғини динг қилиб, муаллимнинг гапларини тинглашга шай туришади.



## УМР ДЕБОЧАСИ

Усмон Носир 1912 йил Наманган шаҳрида дунёга келади. Отаси Маматхўжа бевақт вафот этгач, уни Носирхожи тарбия қилиб, вояга етказади. Асли қўқонлик бўлган Носирхожи Мамасодик ўғли маърифатли киши эди. Носирхожининг эслашича, Усмон кичкиналигида жуда шўх бола бўлган. Лекин шўхликдан ташқари китоб ўқишга ҳам ниҳоятда ўч бўлган. Олти ёшидан мустақил ўқишга берилган жажжи Усмоннинг ўн ёшида ўқимаган китоби қолмайди. Усмон Носир асосий таълимни Қўқондаги мактаб-интернатда олади. Шу пайтданок унда адабиётга нисбатан муҳаббат пайдо бўлади ва мактабдаги адабий тўгаракка қатнашиб юриб, шеър ёзишни машқ қила бошлайди. У мактаб-интернатни аъло баҳолар билан битиради. Шўх бўлса ҳам аълочи ўқувчи экани унинг қалбидаги жўшқинлик ва онгидаги зийраклик уйғун бўлганидан дарак беради. Бу уйғунлик унинг шеърларида ҳам акс этган. У ёшига нисбатан яхшироқ фикрларди. Шеърида ҳам ёзганидек, «Ҳаёт ҳали менинг олдимда, Ақлим ўсар, фикрим юксалар. Аммо кўрганларим ёдимда, Ҳаммаси ҳам бутунлай қолар». Усмон Носирнинг шеърлари орқали унинг ҳаётий қоидаларини, тафаккур тарзини, ҳаёт ҳақидаги мушоҳадаларини билиб олиш мумкин. Зеро, шоир ҳақидаги энг яхши ҳужжат бу унинг ёзган шеърларидир. Усмон Носирнинг ўзи ёш ўтиши билан инсон тафаккури ўзгариб, ўсиб, юксалиб бориши


ҳақида: «Фикр – бола, бола – ўсувчан!», дея чиройли ўхшатиш қилган. Шу биргина мисранинг ўзи ҳам ҳаётда исботини топди. Усмон Носирнинг тобора фикрлаш кўлами кенгайиб, ижодий салоҳияти ўсиб борди. У ўз ўқувчиларига умидбахш ва ёрқин шеърят тақдим қилди. Бу шундай туйғу эдики, мисралардан ҳам умид нафаси уфуриб турар эди:

*«Қушча каби деразамга урар қанотин  
Водийлардан чечак тақиб келган сентябр.  
Шодланаман, туйғуларим қайнар бесабр,  
Кенг кўз билан ишонаман: ширин ҳаётим!»*

Ҳа, у ҳаёти ширин бўлишига ишонди. У миллатига бўлган муҳаббатини ёзган асарлари билан исбот қилмоқчи бўлди. Ҳар ким танлаган касбидан келиб чиқиб, миллатнинг бахту саодати йўлида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга интилади. Шундай экан, шоир ҳам ўзининг шеърлари билан миллатига хизмат қилади. Халқ бу шеърларни ўқиб, ўзлигини англайди, тафаккур қилади, маънавий дунёси юксалади. Усмон Носир миллат олдидаги бурчини ич-ичидан ҳис эта билди, шу бурчни ҳалол ва тўқис адо этишга бел боғлади. У ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида кўзга кўрина бошлаган ва жуда қисқа вақт ичида эл оғзига тушган истеъдодли шоир эди.

Кўп асрдан буён ўзбек шеърлятида аруз вазни ҳукмрон, ғазаллар шаклу маъно жиҳатидан худди қолипдан чиқаётгандай бир хил эди. Ҳаёти орасида уч-тўрт аср фарқ бўлган шоирларнинг ёзган ғазалини мақтаёдаги (ғазалнинг охириги байти) тахаллусидангина билиб олиш мумкин бўларди. Шундай пайтда Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитратлар қаторида

Усмон Носир ҳам ўзбек шеърятига янги оҳанглар олиб киришга муносиб улушини қўшди. Бу шеърят совуқ қиш ортидан келган илиқ баҳор каби ёқимли эди. Унинг ижоди ўз даврининг шеърый хужжати – ўша замоннинг об-ҳавоси акс этган бадийий солнома эди. Зеро, тарихни фақат тарихчилар ёзмайди, ижод аҳли ҳам бадиият орқали ўз даврига хос чизгиларни тасвирлайди. Усмон Носир шеърятни тарихнинг муҳим палласида пайдо бўлган зарур шеърят эди.



## «ИЛҲОМИМНИНГ ВАҚТИ ЙЎҚ...»

Усмон Носирнинг илк шеъри «Ҳақиқат қалами» деб номланган эди. «Муллонинг кимлиги «бисмилло»сидан маълум», деганларидай, шоир шеърият оламига кирар экан, дастлабки қадамидаёқ ўзининг ижодий ва ҳаётий йўлини оммавий маълум қилган эди. Бу йўл эса шоирнинг қўлида ҳамиша ҳақиқатни куйловчи қалам бўлишига ишора берарди. Илк шеъри «Янги йўл» газетасида босилиб чиққач, Усмон Носир ижод тулпорини дадил чоптира бошлади. У тинимсиз машқ қилар, фақат шеър билан чегараланиб қолмасдан, бирин-кетин дostonлар, пьесалар ёзишга ҳам бел боғлайди. Шоирнинг илк шеърий тўпламлари «Қуёш билан суҳбат» ва «Сафарбар сатрлар» чоп этилганида у эндигина йигирма ёшда эди. Йигирма ёшли йигитчанинг фавқулodда истеъдоди, ноёб қобилияти ва ғайрат-шижоати кимнингдир ҳавасини келтирса, кимнингдир ғашини келтирди. У изинма-кетин китобларини чиқара бошлади, илк китоблари чоп этилганидан кўп ўтмай, «Тракторобод», «Юрак» ва «Меҳрим» номли шеърий тўпламлари дунё юзини кўради. Бу тўпламларда инсон руҳининг озод парвози, табиат ва муҳаббатдан тўлқинланган қалбнинг оташин садоси эшитилиб турарди. «Норбўта» ва «Нахшон» дostonларида ёш шоирнинг ижтимоий-гуманистик кайфияти, ўзини нафақат миллат, балки, бутун башариятга



дахлдор деб билиш ҳисси, ўзга халқлар тақдирига ҳам қуюнчаклик билан қараш хислати яққол кўриниб турар эди. Шоир рамзлар ва тимсоллар тили билан тафаккур қила бошлайди. «Нахшон» достонида қардош арман халқи фарзандларининг озодлик учун интилишлари куйланган бўлса-да, аслида шоир ўз миллатининг хуррияти ҳақида хаёл қилганди. Унинг достонлари ҳам қуйма ёзилгани ва равон ўқилиши билан ҳар қандай китобхонни ўзига мафтун этарди. Усмон Носир тарих илмидан ҳам яхшигина бохабар бўлиб, бу жиҳат шеърларида ҳам яққол бўй кўрсатганди. Хусусан, «Нил ва Рим» номли шеърида антик дунёдаги куллар кураши акс эттирилган. Шоир тарихдаги тақдирлар орқали жамиятга кўзгу тутмоқчи бўлади. «Лампам ёнур... Яраланган қанотдек оғир Ўй босади. Юрагимда гўё сел ёғир. Қийналаман. Тиришаман. Ҳушим паришон, Ўтмиш, ҳозир ва келажак кўринур – ҳар он», дея у ўз даври билан тарихни муқояса қилади. Шу билан бирга мазкур шеърдан унинг таҳлилий фикрлай олиш қобилияти ҳам кучли бўлганини кўриш мумкин.


Шоир шеърляти чакмоқдек кескир, оловдек ёрқин, булоқ сувидек тиниқдир. Бу тиниқлик унинг қалби, одам ва олам ҳақидаги тасаввурларининг тиниқлигидан дарак беради. Унинг туйғулари ҳам покиза эди. Шоир бутун умри давомида ижодга, қалбига, ўз туйғуларига хиёнат қилмади. Усмон Носир бутун ҳаёти давомида ўзи танлаган йўлидан кетди. Бутун умр юрак амри билан яшади. У «Юрак» шеърида «ёрил, чакмоққа айлан, сен», дея ватан хизматидан ўзга муқаддасроқ тушунча йўқлигига ишора қилади ва инсон ўзи туғилиб ўсган ватанини рози қилиши

учун юрак чақмоққа айланиши лозим, деб ўзига-ўзи уқтиради. Бу даъват аслида ҳар бир ватанпарвар инсоннинг ички чақириғидир. Мана, орадан бир асрдан кўпроқ вақт ўтган бўлса ҳам шоир қалбидан отилиб чиққан дардчил, мунгли, гоҳида эса ҳаётбахш, гоҳ аччиқ сатрлар замон чегараларини ёриб, то бугунги кунгача шеърят шайдоларининг маънавий камолоти йўлида хизмат қилмоқда. Усмон Носир шеъряти ҳеч кимникига ўхшамагани, адабиётда мавжуд андозалар ва қолипларга сиғмагани билан ўзига хосдир. Шеърларда шоирнинг тирик, оташин, исёнкор руҳи сезилиб туради.

Унинг янгиликка бўлган иштиёқи кучли эди. Унда ўша пайтлар санъатнинг нисбатан янги соҳаси бўлган театр ва кино санъатига ҳам қизиқиш пайдо бўлади. Ўша қизиқиш туфайли бир муддат Москвада ҳам таҳсил олди. Унинг бу янги йўналишни тез ўзлаштириб олишга интилиши, бу йўлда ғайрат билан меҳнат қилиши ўз мевасини бермасдан қолмади. У 18 ёшида «Назиржон Халилов» драмасини яратади. Кейинчалик «Душман», «Сўнгги кун», «Атлас» номли пьесаларини ёзади ва бу асарлар Қўқон театрида сахналаштирилади. Эътибор бериб қаралса, у пьесаларини 19-23 ёш оралиғида яратган. Аслида драматургияда ижод қилиш одамдан ҳаётий тажриба, дадиллик ва қатъият талаб этади. Аксарият ижодкорлар маълум бир тажриба тўплаганидан кейингина адабиётнинг бу турида ўзларини синаб кўришади. Усмон Носирнинг журъати ва иқтидори бу қолипларни бузди – истеъдод ўз қобиғини ёриб чиқишни уdda қилди. Шундай қилиб, Усмон Носир ўзини нафақат истеъдодли шоир, балки, драматург сифатида ҳам намоён эта олди.

Усмон Носир бетакрор шеърлари, саҳна асарларидан ташқари адабий таржима билан ҳам шуғулланди. Хусусан, Александр Пушкиннинг «Боғчасарой фонтани», Михаил Лермонтовнинг «Демон» дostonларини ўзбек тилига маҳорат билан ўгирди. Бундан ташқари, Николай Добролюбовнинг «Ҳақиқий кун қачон келади?» номли асари ҳамда жаҳон адабиётининг улкан шоирларидан бўлмиш Гейне, Гёте, Байрон шеърларидан ҳам таржималар қилди.

Усмон Носирнинг хотираси ҳам ниҳоятда кучли эдики, эл ичида унинг қувваи ҳофизаси ҳақида турли ҳикоялар юради. Бир куни Усмон Носир Пушкиннинг «Боғчасарой фонтани» дostonини таржима қилиб бўлиб, қўлёмани нашриётга олиб боради. Котиба қиз ундан қўлёмани беришини сўрайди. Шоир эса папкасини титкилаб, қўлёмани йўлда тушириб қўйганини билиб қолади. Котиба қиз қўлёманинг йўлда тушиб қолганини эшитиб, шоирга раҳми келади. Шунда Усмон Носир «Қовоқ солиб ўтирар Гарой, Лабларида қахрабо чилим», дея шеър ўқишни бошлайди ва дostonни тўлиқ ёддан айтиб беради. Ҳайратдан қотиб қолган қиз шоирнинг хотирасига таҳсин айтади. Ўшанда дostonни тўлалигача ёдлаб олганини Усмон Носирнинг ўзи ҳам билмаган эди.



## «БАХТЛИМАН, ЖАНГЛАРГА ЯРАСАМ...»

Усмон Носирда курашчан қалб бор эди. У ҳақсизликка чидай олмас, ҳамиша ҳурликни истарди. Унинг кўпгина шеърлари муҳаббат мавзусида ёзилгандай кўринса-да, ўқиган киши шеърдаги ватанпарварлик руhini бирдан илғаб оларди. Усмон Носир бу шеърларида ватани учун жангга киришга, юртини ҳимоя қилиш учун кўксини қалқон этишга ҳамиша тайёр эканини ёзарди. «Қачондир юртим озодлиги учун кураш бўлади ва мен ўша жангга ярашим керак», деган ватанпарварлик чақирғини ўзига бот-бот эслатиб турарди. «Гулзор – чаман» шеърида Усмон Носир суйган ёрига қарата, «қўлимдан тут, жангларга кирай», деб ёзади. Алал-оқибат, у ҳам бугунги ҳуррият учун қон тўккан ота-боболаримиз сафига қўшилди. Аслида шоир «бахтлиман жангларга ярасам», дея ватан истиклоли учун жон беришни орзу қилар, бундай жасоратни ўзига шараф деб биларди.

*Агар даркор бўлса ҳар чоқ,  
Чорласа Ватан,  
Қўлёмаларимни ташлаб,  
Шинел кияман!*

У ўзи ҳақ деб билган сўзни айтишдан қайтмас, юрт озодлиги учун ҳар нарсага шай эди. Мустабид ту-

зум эса эркесвар ва ватанпарвар инсонларни суймас эди. Шундан сўнг шоирнинг бошида қора булутлар пайдо бўла бошлади. Усмон Носир адабий фаолиятининг 10 йиллик юбилеи кенг нишонланган санадан кўп ўтмай, дастлаб ёзувчилар ичида ёш шоирнинг «хулқ-атвори» муҳокама қилинган мажлис бўлиб ўтади. Йиғилишда 24 ёшли Усмон Носир Ёзувчилар уюшмаси аъзолигидан чиқарилади ва икки кун ўтиб, ҳибсга олинади. Дастлаб шоирнинг қаерда эканлигидан қариндошлари ҳам хабар топмайди. Аммо бир куни шоирнинг синглиси Роҳатой номига Тошкент қамқонасидан хат келади. Мактубда: «Синглим Роҳатхон! Уйғунникига бориб нарсаларимни ол, Мадамин Давроннинг уйида пальтом бор, Иброҳим Назирникида этигим ҳам. Шуларни олиб келиб, менга киргизиб юбор. Кетадиганга ўхшайман», деб ёзилган эди. Улар бу воқеадан хабар топишгач, Усмон Носирни бор-йўғи бир марта – кийим-бош ва егулик киритиб беришга рухсат теккан пайтда кўра олишади. Афсуски, бундай имконият бошқа қайтарилмайди.

Усмон Носир ҳибсга олинган пайт ҳали 25 ёшга ҳам тўлмаган эди. Бу пайтда эса унинг иқболи энди гина порлай бошлаганди. У «Боғчасарой фонтани» достонини таржима қилиш баҳонасида Москвада Пушкин таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тадбирда иштирок этишга муваффақ бўлган. Қолаверса, у таржима қилган «Улуғ кун» драмаси Ҳамза театрида муваффақият билан намоиш этилган. Усмон Носир қаламига мансуб, Мутал Бурҳонов мусиқа басталаган «Ватан ҳақида кўшиқ» ашуласи Москвада илк бор ўтказилган Ўзбекистон санъати ўн кунлигида ижро этилган ва залда гулдурос қарсақларга сазовор


бўлган. Фожиани кўрингки, эндигина чакнай бошлаган истеъдод камолот босқичлари сари одимлаётган бир пайтда совет давлатининг қатағон сиёсати уни аяб ўтирмади. Бу қатағон эса ёш ижодкорга нисбатан ичида ғараз ва кин сақлаб юрган кимсалар учун айни муддао бўлган эди.

Шоир «мунтазам равишда миллатчилик ва аксил-инқилобий ташвиқот олиб боргани, Совет ҳукумати ҳақида оммавий равишда одобсиз шаклда сўзлаганликда» айбланади ва 10 йилга ахлоқ тузатиш лагерига жўнатилади. Миллатим деб ёниб-куйиб турган навқирон шоирга «халқ душмани» тамғаси босилади. 1940 йил Усмон Носир Магадандан Сталин номига хат ёзади. Мактубда шоир ундан ўзининг «иш»ини қайта кўриб чиқишларини сўрайди. Шунингдек, камокхонада туриб ҳам битта шеърин роман, учта драма ва бир туркум шеърлар ёзгани ҳақида хабар беради. Мактубда: «Мен ҳали ёшман ва ғайратга тўламан. Мен халқ учун ижод қилишим керак! Менда айб йўқ!», дея ёзилган эди. Ажабланарлиси, минглаб шундай мактублар орасидан Усмон Носирнинг хати эътиборга тушади ва Ўзбекистон ҳукумати Кремлдан шоир ишини қайта кўриб чиқиш ҳақида буйруқ олади. Комиссия ишни ўрганиб чиқади ва Усмон Носирни «айбсиз», деб топади. Бироқ бундай хулосага энди жуда кеч бўлганди. Шоир 1944 йилнинг 9 март куни, олис Магадан ўлкасида оламдан ўтади.

Кейинчалик, орадан анча йиллар ўтиб, Усмон Носирнинг синглиси Роҳатхоннинг қизи Нодира Рашидова тоғасининг қабрини топиш учун кўп бор ҳаракат қилади. У тоғаси ҳақида маълумот сўраб, Кемеровага хат ёзади. Тайинли маълумот ололмагач, Кемеровага

ўзи боради ва унга Усмон Носирнинг ўлими ҳақида тиббий хулосанинг нусхаси берилади. Ҳужжатда шоирнинг «ўпка касалидан вафот этгани» тўғрисида ёзилган эди. Шоирнинг жияни жуда кўп қийинчиликлар билан тоғасининг қабрини топишга муваффақ бўлади. Қабр устига хотира ёдгорлиги ўрнатади.

Шу билан бирга Усмон Носирнинг авахтада ёзилган 18 қатор шеъри, яъни 8 сатр, икки тўртлик ва битта иккиликдан иборат «Юрак туғёни» номли шеъри қўлёзмаси топилади. Ажабланарлиси, қўлёзмани адабиётшунос олимга ўша пайти Усмон Носирнинг терговда қатнашган ва хизмат вазифасига хилоф бўлса-да, бу шеърларни турмадан олиб чиққан терговчининг ўзи топширган. Оташқалб шоир Усмон Носир хотираси нафақат у туғилиб ўсган юртда, балки, Кемеровода ҳам ёдга олинади. Кемеровода ҳар йили шоир шеърятига бағишланган адабий кечалар ўтказилади. Бундан ташқари у ерда Усмон Носир музейи ҳам бор. Унинг шеърлари рус тилига ҳам таржима қилинган.



## У «ЎЗБЕКНИНГ ЛЕРМОНТОВИ» ЭМАС...

Усмон Носир ўзбек адабиётининг ёрқин ва забардаст шоирларидан бири бўлиб қолди. Усмон Носирни «ўзбекнинг Лермонтови, ўзбек адабиётининг чақмоқ шоири», деб айтишади. Ўша пайтлар унга нисбатан «Усмон Носир ўзбек адабиётининг ёрқин юлдузи, ўзбек халқининг Пушкини», деган таърифлар кўп бериларди. Усмон Носир ижодига берилган юксак баҳо республика ва бутун Совет иттифоқи вақтли матбуоти саҳифаларида ҳам тез-тез кўриниб турарди. Аслида бу таъриф унинг ижодини тўла ифодалаб бера олмайди. Чунки у ўзбекнинг Лермонтови ёки Пушкини эмас, у ўзбекнинг Усмон Носиридир. Шоир атиги 32 йил умр кўрган бўлса-да, ўзбек шеърятига ўзининг улкан ҳиссасини қўша олди. У бетакрор ижодкор эди.

Ўзига нисбатан ўта талабчан бўлган Усмон Носир ўзининг «Меҳрим» китобида шундай сўзларни ёзган: «Бу тўпламдаги шеърлар, изланиш меваларидир. Изланиш эса юксалмоқ, шеърый формани эгалламоқ орзусидир. Нуқсонлари учун узр сўрайман». Шундай қилиб, Усмон Носир йигирма беш ёшга кирганида ўзбек тилида бешта, рус тилида битта шеърый тўплам, тўртта таржима китоби муаллифига айланганди. У катта доврўғ, бир олам орзулар билан келажак сари интилаётган эди.



Усмон Носирнинг шеърлари юрак қони билан ёзилган. Сатрларининг илдизи мустаҳкам, кўзлаган манзиллари олис. Ҳар бир шеърда юрак бор. Усмон Носир 18 ёшида ёзган «Қон» номли шеърый киносценарийсида тиниқ орзулар билан яшаётган кишиларнинг оромини бузиб, «уйқусида босганлар» қилмишларини тасвирлайди ва «бу воқеа бошида кимлар бор экан?», деган саволни ўртага ташлайди.


Чакмоқ умридай ҳаёт кечирган шоир бутун қалбини муқаддас Ватанимизга, унинг эзгу хизматларига бағишлади. Бегуноҳ шоир темир панжаралар ортида ҳам ижодини давом эттирди. Унинг «Юрак тугёни» ва «Тутқун булбулча» шеърлари фикримиз далилидир. У ўз шеърларида гўзалликни тараннум этиш билан бирга эркни, мустақилликни, озодликни куйлади. Мустақиллик, адолат офтобининг нурларидан баҳраманд бўлишни орзиқиб кутди. Шоирнинг «Нил ва Рим» шеърини «хурлик ва озодлик қасидаси» деб аташимиз мумкин: «Мана менман, у исённинг ўлмас авлоди, Мана менман, у қулларнинг ҳеч сўнмас ёди». Бу сатрлар шоир юрагининг туб-тубидан отилиб чиққан, мисралардаги жозибадорлик, оҳангдорлик кишини ўзига жалб қилмасдан қўймайди. Бу каби оташин ҳайқириқлар ҳар қандай шоирнинг ҳам ижодида учрайвермайди. Унинг ҳар бир ижод маҳсули кишини ўзига ром қилади. Ҳаётга бўлган муҳаббатини янада оширади. Шоирнинг шеърларида мустақиллик нафаси, Ватан ишқи каби улуғвор ҳислар яққол сезилиб туради.

Усмон Носир услубига хос жозибадорлик, жўшқинлик, бадиий рангларнинг қуюқлиги, нафис чизгилар ўзбек тилининг гўзаллигини намоёиш эта-

ди. Унинг пейзаж шеърларида гўзал табиат манзаралари, денгиз соҳиллари, бепоён уфқ ранглари, кенг осмон, асов тўлқинларнинг ҳаяжон билан тасвирланганини кўрамиз. Шоир чизгилари гоҳ нафис, гоҳ қуюқ рангларга чулғаниб, унинг ўй-хаёллари, ҳис-туйғулари билан уйғунлик ҳосил қилади. Унда табиатни жуда ичкин ҳис қилиш иқтидори ҳам бор эди. Шунинг учун ҳам Усмон Носир «Юрганмисиз бирга ой билан, Оқшом пайти кўм-кўк ўрмонда?», дея ўқувчисига савол беради. «Юр, тоғларга чиқайлик», дея ўқувчини ҳам табиат манзараларидан баҳраманд бўлишга чорлайди.

Шоир ижодини ўрганган адабиётшунос олим Наим Каримовнинг ҳикоя қилишича, «абадий музликлар ўлкаси»даги лагерларда азоб ва уқубат чекавериб, тоқати тоқ бўлган Усмон Носирга ёр-дўстлари: «Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ келади. Бардам бўлинг! Худо хоҳласа, эртами-кечми озодликка чиқамиз!» деб таскин беришар экан. Ҳибсга олинганидан то сўнгги нафасига қадар Усмон Носир ойнинг ёруғ кунларини кўрмади. Ойнинг қоронғи ўн беш куни эса унинг учун етти йилдан ортиқ давом этди. Қатағон йилларида минглаб-миллионлаб бегуноҳ кишилар ўлим лагерларида инсон зоти чидаши мумкин бўлмаган азобларга дучор бўлдилар. Лекин улар орасида, Усмон Носирчалик даҳшатли қийноқларни бошидан кечирган жабрдийда киши кам топилса керак. Мунаввар Қори, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирӣ, Усмон Носир сингари миллат қаҳрамонлари мустабид тузум ўз юртларига эзгулик олиб келмаслигини аввалдан сезишган ва ҳуррият истаги билан яшаган эдилар. Улар улуғ аждодларимиздан

бизга мерос бўлиб қолган шу табаррук тупроқнинг – ўзбек диёрининг мустақил бўлишини орзу қилгандилар. Улар орасида энг ёши Усмон Носир эди. Эркин Воҳидов таъбири билан айтганда, «давр халққа унинг ифтихори бўлган, унинг юраги бўлган фарзандларини қайтиб берди. Бугун Усмон Носир номли қўчада истиқомат қилувчиларнинг бахтли болалари Усмон Носир номли мактабда ўқийдилар. Шоир умри унинг шеърларида давом этади». Ҳа, шоир умри барҳаёт. У иккинчи ҳаётини асарларида давом эттиради. Бу ҳаёт эса боқийдир.



## ЭЪЗОЗ

Мустақиллигимиз учун хизмат қилган, хуррият йўлида қурбон бўлган ота-боболаримизга эҳтиром бугун эзгу анъанага айланди. Жумладан, Усмон Носир номи ҳам ўзгача ҳурмат, ўзгача эҳтиром билан тилга олинади. 2022 йил 10 февраль куни «Оташин шоир, таржимон ва драматург Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди. Қарорга кўра, Усмон Носир ҳаёти ва фаолиятини, хусусан, унинг қатағон даврида кечган йилларини ўрганиш, ҳозирга қадар номаълум бўлиб келаётган қўлёзма асарларининг тақдири ҳақида маълумотлар тўплаш мақсадида ишчи гуруҳ тузилиб, унинг Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, шунингдек, Россиядаги тегишли архив материаллари билан танишиши учун шароит яратилади. Наманган шаҳрида Усмон Носир ҳайкали ўрнатилади. Тошкент ва Наманган шаҳарларидаги кўчаларга Усмон Носир номи берилади. Умумий ўрта таълим муассасалари, ижод мактаблари ўқувчилари ўртасида Усмон Носир ҳаёти ва ижодига бағишланган «Унутмас мени боғим» мавзуида иншолар танлови ўтказилади. Бу каби эзгу ишлар ортида Усмон Носир номини абадийлаштириш мақсади тургани кишини қувонтирмай қўймайди.

«Баргдек узилиб кетсам, Унутмас мени боғим». Бу мисралар дунёни эрта тарк этган шоирнинг васияти каби жаранглайди. Усмон Носир қисқа умрида ёниқ ижод, ёрқин ном – шеърда айтилганидай, минг йиллардан кейин ҳам унутилмас маънавий боғ қолдирди. Бу маънавий боғни кезаркансиз, руҳ қувватланади, қалб маънавий озуқа олади. Усмон Носир шеърляти, аввало, табиийлиги, ҳаётлийлиги ва жўшқинлиги, шу билан бирга содда ва равонлиги билан ўқувчилар қалбидан чуқур жой олган. Бугун ҳам нафақат шеърлят давраларида, балки, эл орасида ҳам шоирнинг машхур сатрлари оғиздан-оғизга ўтиб юради. Шоирнинг «Севги, сенинг ширин тилингдан, Ким ўпмаган, ким тишламаган», «Юрак, сенсан менинг созим, Тилимни найга жўр этдинг», «Юр, тоғларга чиқайлик, майли юр» каби мисраларини билмайдиган инсонни учратиш қийин.

Бор-йўғи ўн йиллик адабий фаолиятида ўзидан ўчмас из қолдира олган Усмон Носир «Монолог», «Нил ва Рим», «Юрак», «Насимага деганим», «Шеърим» каби ўлмас шеърлар яратди. Бу шеърлар халқимиз қалбидан муқим жой олиб, уларнинг энг севимли мисраларига айланиб улгурган. Унинг таржималари ҳам ўзбек тили ва адабиёти учун беминнат хизмат бўлганини эътироф этиш лозим. Агар унинг умри узок бўлганида қанчадан-қанча шоҳ асарлар яралиши мумкин эди. Аммо шоирнинг қисмати фожиали яқун топди. Бугунги ёшлар Усмон Носир ижоди билан яқиндан танишиши, унинг маънавий хазинамизга қўшган бебаҳо ҳиссасидан бохабар бўлишлари лозим.

Усмон Носирдан «унутилмас боғ» қолди. Адабиётга ташна, сўзга муҳаббати юксак бўлган халқимиз

бу боғни кўз қорачиғидай авайлаб-асрайди. Шундагина шоирнинг ҳам руҳи мангу ором топади!

\* \* \*

Тарих муаллими мавзуни тўлиқ гапириб бўлиб, ўқувчиларга юзланди. Улар қулоқ қокмасдан ҳикоянинг давомини кутишарди. Муаллимнинг маъноли қараб туришидан сўнг, Усмон Носир ҳақидаги ҳикоя тугаганини тушуниб етишди. Шунда ўқувчилардан бири секингина қўлини кўтариб, муаллимга саволи борлигини билдирди. Муаллимдан гапиришга рухсат теккач, ўрнидан турди.

«Музаффар ҳам Усмон Носирнинг давомчиси экан-да», дея хайрат билан гапирди у.

«Нега ундай деяпсан?», деди муаллим ажабланиб.

«Қаранг, устоз, Усмон Носир ҳам ҳақ гапларни айтгани учун совет тузуми уни қатағон қилган экан-ку. Музаффар ҳам юқори синфдаги болаларга ғирром ўйнаётганини айтганида, тарсаки еди. Унинг устига Музаффар шеър ҳам ёзади», дея ўқувчига Музаффар ҳақидаги ҳамма ахборотни айтди-қўйди.

«Ие, Музаффар, сен ҳали шеър ҳам ёзасанми», дея тагин ажабланиб сўради муаллим ундан.

Музаффар эса туриб, худди айбдор одамдай оҳиста бош ирғади.

«Ҳа».


«Усмон Носирдай шоир бўлмоқчи бўлсанг, қаддингни тик тут, бола. Қани, шеърларингдан ўқиб берчи», деди муаллим.

«Кейин мени ҳам қатағон қилишса нима бўлади?», деди Музаффар кўрқа-писа.

Муаллим унинг соддалигидан кулиб юборди.

«Қатағонлар тарихда қолди. Ҳозир ижод қиладиган замон. Бизга Усмон Носирлар керак! Шундай экан, кимда ижодкорлик қобилияти бўлса, шу талант-ни юзага чиқариш вақти келди. Мен ишонаманки, ораларингда Усмон Носирлар, Чўлпонлар, Фитратлар ўтирибди», деди муаллим.

Шу лаҳзада дарс тугаганини билдириб, қўнғирок чалинди. Лекин ҳеч ким ўрнидан туришга шошилмади.



## ИҚТИБОСЛАР

*«Усмон Носир айни ижодий куч-қувватга тўлган 25 ёшида қамалиб, қатагон қилинди. Чунки мустабид тузум бундай миллатпарвар, ватанпарвар инсонларни ўзининг энг ашаддий душмани, деб ҳисоблар эди. Шунинг учун ҳам, шоир умрини қамоқхоналарда азоб-уқубатда ўтказиб, 1944 йили 32 ёшида вафот этади. Келгуси йили юртимизда Усмон Носир таваллудининг 110 йиллиги муносиб нишонланади».*

**Шавкат Мирзиёев**

*«У шундай тўполон ва тўлқин билан келдики, унча-мунча шеърини услуб ва ижодни тўс-тўс қилиб юборди. Уни ўзимизда «Ўзбекнинг Лермонтови», Москва газеталарида «Шарқда Пушкин пайдо бўлди», деб ёзишди».*

**Туроб Тўла**

*«Усмон Носир деганда биз кимни тушунамиз. У шундай истеъдод эгасики, бамисоли теккан жойини куйдиргувчи оловдир. Шоирнинг гоят қисқа умрига назар солган киши жуда узоқ ўйларга толиши шубҳасиздир. Чунки бу чақмоқдек умрда бениҳоя катта имкониятлар ёниб кетганлигини кўриб ва ҳис қилиб турасиз. Усмон Носир улуг ва абадий шеърининг дийдасидан оқиб улгурмаган шабнамдир, у ҳали*



*қахқахага айланмай лабларимизда мангуга қотиб қолган ним табассумдир. Унинг шеърлари кўз каби тирик, жонли, тутқич бермас ҳаёт пораларидир».*


**Абдулла Орипов**

*«Истеъдод шундай бир гавҳарки, у денгиз тубида, садаф ичида ҳам — гавҳар, истеъдод шундай бир зилол ирмоқки, унинг ҳар қатрасида дарёларнинг қудрати, уммонларнинг теранлиги бор, истеъдод шундай бир гулки, унинг ҳар бир очилмаган гунчасида чаманларнинг бўйи ва таровати бор. Усмон Носир истеъдоди ана шундай гавҳар, ана шундай ирмоқ, ана шундай гунча эди».*

**Эркин Воҳидов**

*«Ҳар бир инсон ҳаёти авлодлар учун сабоқдир. Усмон Носир ҳаёти ҳам шу маънода истисно эмас. Ҳар бир жамият ҳам инсониятнинг кейинги тараққиёт давлари учун сабоқдир. Шўро жамияти ҳам шу маънода ҳамиша инсониятнинг келажак тарихи учун улуг сабоқ бўлиб қолади».*

**Наим Каримов**



## ШОИР ШЕЪРЛАРИДАН ПАРЧАЛАР

\* \* \*

Сен юрагимнинг чашма суви сен,  
Сен кўзларимнинг гавҳар нурлари.  
Сенинг баҳонгни ким сўраса, де:  
«Баҳом умрингнинг баҳосига тенг!»

\* \* \*

Олдимда кутади имтиҳон –  
Мен оғир жангларда бўларман.  
Насима! Бу кунги иссиқ қон,  
О, балки тўкилур... ўларман...  
Олдимда кутади имтиҳон!

\* \* \*

Ўйланиб кўзингга қарасам,  
Иккита денгиздай кўринур...  
Насима! Ичаман рост қасам,  
Оловдек ловуллаб дил ёнур,  
Бахтлиман жангларга ярасам!

\* \* \*

Йўлчиман, манзилим денгиздан нари,  
Ложувард уфқнинг тубига яқин.  
Кўнглимда дардларим дарёдек оқин,  
Чайқалар кўзларим тикилган сари.

\* \* \*

Байроғимсан йўлимда ҳар вақт,  
О, ҳаётим – аччиқ тажриба.  
Ким қийналса, тилак ҳажрида  
Уни кутар саодат ва бахт!

\* \* \*

Шафақ ўчай деб қолди  
Каптар қонидек рангсиз,  
Кўзларимни узмайман...  
Дединг: – Энди ўчар у,  
Ўтган қайтиб келмайди,  
Эртани севиниб кут...

\* \* \*

Сабоқларинг ақл беради,  
Қўлтиғингда дафтар, китобинг.  
Курсга борасан. Кўчалардан  
Тингладим мен босган қадаминг,  
Юксал, оппоғим, қўзичоғим,  
Қўлни парда қилма, очилгил,  
Юксал, оппоғим!

\* \* \*

Кунларимни ёшлигимдан аямадим,  
Менда ёшлик нокасликни ҳеч кўрмади.  
Қиз севганда, хўнгири-хўнгири қон йиғладим,  
Гўё қалбим амри азмигни бир сўрмади.  
Ёшлигимнинг тарозуси бепосанги,  
Бир палласи баҳор тоши билан оғир:  
Севинчим кўп... шодлигим зўр... тилим бийрон,  
Қайси умр шундай ёшлик кўрди, ахир?

\* \* \*

Гулзор – чаман. Юр, боғларга  
Элтай этаклаб.  
Бинафшалар териб берай  
Сенга этаклаб...  
Чаккангга тақ! Тўлиб турсин  
Ойдек юзларинг.  
Кундай ёруғ, тундай қора  
Экан кўзларинг.

\* \* \*

Ўша пайтда, қайсиси кулги,  
Қайси бири берар ҳаяжон.  
Бу шеъримнинг боиси шулки:  
Фикр – бола, бола – ўсувчан!

\* \* \*

Капалакнинг гул эмганин кўрдим,  
Эслаб кетдим сени, малагим...  
Сен бердингми шунча ширин шеърни,  
Эй, барглари кўм-кўк палагим?

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Умр дебочаси .....	5
«Илҳомимнинг вақти йўқ...» .....	8
«Бахтлиман, жангларга ярасам...».....	12
У «ўзбекнинг Лермонтови» эмас... .....	16
Эъзоз.....	20
Иқтибослар .....	24
Шоир шеърларидан парчалар.....	26

*Илмий-оммабон нашр*

**ХУРШИД СЕРОБОВ**

**УСМОН НОСИР**

*Тошкент «Маънавият» 2022*

Муҳаррир *Ислои Худойқулов*

Рассом *Шухрат Соҳибов*

Мусахҳих *Шарофат Хуррамова*

Компьютерда тайёрловчи *Шухрат Соҳибов*

Лицензия АІ №189, 10.05.2011 йилда берилган.  
Босишга 22.11.2022 йилда рухсат этилди. Бичими 84x108 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>.  
«Таймс» гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.  
Шартли босма табағи 1,68. Нашр табағи 1,25. Буюртма № 22-97.  
Адади 1500 нусха. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриётида чоп этилди.  
100047. Тошкент, Тараққиёт 2-берккўча, 2-уй. Шартнома № 32–22.

C 46

**Серобов, Х.**

Усмон Носир [Матн] / Х.Серобов. – Тошкент:  
«Маънавият», 2022. – 32 б.

ISBN 978-9943-04-454-8